

Кузги юмшоқ буғдой навларининг эмбрионал ривожланиши бошланганда барглари орқали карбомид билан озиклантиришнинг 1000 дона дон массасига таъсири, г.

1-жадвал.

№	Кўрсаткичлар Тажриба вариантлари	1000 та дон вазни, г.				Назоратга нисбатан фарк +/-
		2015 йил	2016 йил	2017 йил	ўртачаси	
“Яксарт” нави						
1	Карбомидсиз (st)	32,9	32,9	32,6	32,8	0
2	Карбомид 30 кг/га	35,4	34,6	34,4	34,8	+2,0
3	Карбомид 40 кг/га	36,0	35,9	35,8	35,9	+3,1
4	Карбомид 50 кг/га	35,2	35,4	35,0	5,2	+2,4
“Гозғон” нави						
1	Карбомидсиз (st)	36,0	35,8	36,2	36,0	0
2	Карбомид 30 кг/га	38,7	37,7	37,3	37,9	+1,9
3	Карбомид 40 кг/га	40,0	39,8	39,1	39,6	+3,6
4	Карбомид 50 кг/га	39,0	38,9	38,8	38,9	+2,9

Кузги юмшоқ буғдойнинг “Яксарт” ва “Ғозғон” навлари эмбрионал ривожланиши бошланганда карбомид эритмасининг 40 кг/га меъёри қўлланилганда, 1000 дона донлари вазни 35,9-39,6 граммни ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткичлар карбомид эритмаси қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 3,1-3,6 граммга ошиши аниқланди. Ушбу кўрсаткич карбомид эритмаси 30 кг/га қўлланилгандагига нисбатан 1,1-1,7 г юқори бўлиб, 50 кг/га карбомид эритмаси қўлланилгандагига нисбатан 0,7 г юқори бўлиши аниқланди.

буғдойнинг “Яксарт” ва “Ғозғон” навларининг эмбрионал ривожланиши бошланганда барглари орқали карбомид эритмалари билан қўшимча озиклантирилиши самарали тадбир бўлиб, 40 кг/га меъёردа қўлланилгандаги 1000 дона дон вазни карбомид эритмаси қўлланилмаган назорат вариантыдагига нисбатан 3,1-3,6 г гача ошади.

Хулоса. Кузги юмшоқ

буғдойнинг эмбрионал ривожланиши бошланганда барглари орқали карбомид эритмаси 40 кг/га қўлланилиши буғдой донларининг сифатли бўлишини таъминлайди.

Ушбу ҳолат кузги юмшоқ буғдойни азотли озиклантиришнинг донларни репродуктив ривожланишидаги роли катта бўлишини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кузги юмшоқ буғдой донининг бўлиқ бўлишини таъминлашнинг асосий усулларида бири репродуктив ривожланиши даврида азот билан қўшимча озиклантиришни таъминлашдан иборат бўлиши керак.

Р.З.ҲАСАНОВА,
доцент, қ.х.ф.ф.д. (PhD),
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

АДАБИЁТЛАР:

1. Аминова О.И. Формирование биометрических показателей и урожайность зерна озимой пшеницы при внесении минеральных удобрений // Вестник Алтайского Государственного университета. Алтай, -2009. -№11(61). -С. 15-20.
2. Аманов О., Амиркулов А ва бошқалар. Ғаллани барги орқали озиклантиришнинг самарадорлиги // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналы. –Т. -1916. -№2, -Б 33.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследования.) –М. “Колос” -1979. -416с
4. Сиддиқов Р. Буғдой бошоқлаганда // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналы. –Т; -№9,- 2005. –Б. 21-22.

УЎТ: 633.11+631.82

ИННОВАЦИОН ЙОНДАШУВ

ПАХТА КОМПЛЕКСИДА КУЗГИ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация. При позднем посеве озимой пшеницы до середины ноября (15.XI) на хлопковом комплексе в южных регионах Узбекистана следует оптимизировать подкормка с минеральными удобрениями.

Ключевые слова: Озимая пшеница, минеральные удобрения, позднее посев, хлопковый комплекс, урожайность, экономическая эффективность.

Annotation. With late sowing of winter wheat until mid-November (15.XI) at the cotton complex in the southern regions of Uzbekistan, fertilizing with mineral fertilizers should be optimized.

Key words: Winter wheat, mineral fertilizers, late sowing, cotton complex, productivity, economic efficiency.

Экинлардан етиштирилаётган ҳосилнинг ўрта ҳисобда ютуқлари ва илғорлар тажрибаларида асосланган [4, 7].

Бироқ, экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни

таъминлаш мақсадида қўлланилган минерал ўғитлар самарадорлиги тупроқ ва иқлим шароити билан боғлиқ бўлади [5]. Шу сабабли ҳам ғаллани мақбул муддатларда ҳар бир минтақа шароитида минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг ўзига хос агротехнологиясига амал қилиниши зарур. бўлади[6].

Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари шароитида кузги юмшоқ буғдойни минерал ўғитлар билан озиклантириш кам ўрганилган [1] чўл минтақалари оч тусли бўз тупроқлари минтақаси шароитида ушбу муаммо умуман таҳлил этилмаган.

Айниқса, кузги буғдойни пахта комплексида етиштирилганида уни озиклантириш меъёрлари ва муддатлари билан боғлиқ бўлган муаммолари мавжуд. Чунки, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари кеч кузгача давом этиши оқибатида кузги буғдойни экиш ва озиклантириш ишлари кечикиб кетади. Шу сабабли ҳам ушбу муаммо ечимини топиш учун илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Дала тажрибалари 2015-2017 йилларда Косон туманидаги “Қулманов Умир” фермер хўжалигида ўтказилди [2, 3].

Дала тажрибалари тўрт такрорланишда амалга оширилган бўлиб, ҳар бир тажриба майдончалари катталиклари 180 м², ҳисоб майдончалари юзаси 100 м².

Минерал ўғитларнинг фосфорли ва калийли турлари экиш билан бирга, азотли ўғитлар кузги буғдойнинг баҳорги туплаш (35%), найчалаш (35%) ва бошоқлаш (30%) фазаларида қўлланилди.

Кузги буғдой пахта комплексида мақбул муддатда (15.X) фосфорли ва калийли ўғитлар бериш билан бирга экилганда дон ҳосилдорлиги талаблар даражасида ошиши билан бирга қўлланилган минерал ўғитлар самарадорлигининг ҳам юқори бўлишини кўрсатди (жадвал).

Бироқ, кузги буғдой пахта комплексида мақбул муддатда экилгандагига нисбатан кечиктирилиб экилганда (1.XI ва 15.XI) қўлланилган минерал ўғитлар самарадорлиги бирмунча паст бўлиши кузатилди. Масалан, кузги буғдой ноябрь ойи бошида (1.XI) экилганда қўшимча дон ҳосили 20,9-23,8 ц/га бўлиб, ушбу кўрсаткич кузги

Пахта комплексида кузги буғдой етиштириш самарадорлиги (2015-2017 йилларда ўртачаси).

№	Кўрсаткичлар	Ҳосилдорлик		Соф фойда		Рентабеллик	
	Тажриба вариантлари	ц/га	st нисбатан	Сўм/га	St нисбатан	%	St нисбатан %
Фосфорли ва калийли ўғитлар 15.X да қўлланилганда							
1	N ₀ P ₀ K ₀ (st)	31,6	0	-309340	0	-16,2	0
2	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₅₀	51,0	+19,4	+124320	433660	+5,1	+21,3
3	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀	55,4	+23,8	+216670	526010	+8,4	+24,6
4	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	59,1	+27,5	+290885	600225	+10,8	+27,0
Фосфорли ва калийли ўғитлар 1.XI да қўлланилганда							
5	N ₀ P ₀ K ₀ (st)	30,1	0	-385015	0	-20,2	0
6	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₅₀	49,9	+19,8	+68825	453840	+2,8	+23,0
7	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀	53,2	+23,1	+105680	490695	+4,1	+24,3
8	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	57,2	+27,1	+195030	580045	+7,2	+27,4
Фосфорли ва калийли ўғитлар 15.XI да қўлланилганда							
9	N ₀ P ₀ K ₀ (st)	28,7	0	-455645	0	-23,9	0
10	N ₁₅₀ P ₇₀ K ₅₀	49,6	+20,9	+53690	509335	+2,2	+26,1
11	N ₁₈₀ P ₉₀ K ₆₀	51,8	+23,1	+35050	490695	+1,3	+25,2
12	N ₂₁₀ P ₁₀₅ K ₇₀	52,5	+23,8	+42085	497730	-1,6	-22,3

буғдой мақбул муддатда экилиб, (15.X) озиклантириш режими мақбуллаштирилгандагига нисбатан 5,5 ц/га гача пасайиши кузатилди.

Кузги буғдойни экиш муддати янада кечиктирилиб экилганда (15.XI) дон ҳосилдорлиги 3,7 ц/га гача пасайиши аниқланди.

Кузги буғдойни экиш муддати кечиктирилганда қўлланилган минерал ўғитлар самарадорлиги мақбул муддатда экилиб озиклантирилгандагига нисбатан бирмунча пастроқ бўлган бўлсада, соф фойда минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиб, рентабеллик даражаси ҳам талаблар даражасида бўлиши кузатилди. Масалан, кузги буғдой ноябрь ойи бошида (1.XI) экилиб, озиклантириш режими мақбуллаштирилгандагига рентабеллик 24,3-27,4 %, кузги буғдой ноябрь ойи ўртасида (15.XI) экилиб, озиклантириш режими мақбуллаштирилганда рентабеллик 25,2 % гача ошиши кузатилди.

Демак, кузги буғдой пахта комплексида кечиктирилиб экилганда ҳам Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари оч тусли бўз тупроқлари минтақаси шароитида иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, ғаллачиликни янада ривожлантиришнинг янги уфқларини очиб беради.

Р.Ч.ИШМУХАМЕДОВА,

доценти, қ.х.ф.ф.д., PhD,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бобомирзаев П.Х. “Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш”. Қўх фанлари доктори дисс. автореф. – Тошкент: ПСУЕАИТИ, 2017. – 62 б.
2. Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш бўйича таъсиялар. Ўз Р ҚСХВ, Ўз Р ҚХФА, «Ғалла» ИИБ. – Тошкент, 1996. – Б.53.
3. Доспехов Б. А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований). – М.: Колос, 1979. – 416 с.
4. Жўраев Д., Аманов О., Дилмуродов Ш., Мейлиев А. Ташқи муҳит омилларининг юмшоқ буғдой нав ва намуналари ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, №1, 2015. – Б.31-32.
5. Коровин А.И., Мамаев Е.В., Мокиевский В.М. “Осенне-весенние условия погоды и урожай озимых.” – М. – Л.: Гидрометеиздат, 1977. – 159 с.
6. Махмудов Х. “Ғаллани озиклантириш - муҳим тадбир”. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, №2, 2009. – Б.5.
7. Панников В.Д., Минеев В.Г. Почва, климат, удобрений и урожай. – М.: Колос. 1977. – 414 с.